



2022- yil "Inson qadrini
ulug'lash va faol mahalla yili"

NAVBAHOR

E-mail: furqat-navbahor252@umail.uz
2022- yil 25- aprel,
dushanba

Gazeta 2002- yil 12- fevraldan haftada bir marta chiqadi № 8-9 (1016-1017)

Aziz tumandoshlar, Ramazon oyingiz muborak bo'lsin!

ИФТИХОР

АБДУЛЛАЖОН МУДДАТИДАН АВВАЛ 36 ТА ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТ ТАЛАБАСИ БЎЛДИ

Абдуллажон Расулов Фуркат тумани Томоша МФЙ Курултой қишлоғида туғилган. Дастлабки таълимни 5-сонли умумий ўрта таълим мактабида ҳамда Кўкон шаҳридаги 5-Вилоят ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида олган. Ҳозирда Тошкент шаҳридаги ТИҚХММИ "International House Tashkent" академик лицейининг 2-босқич талабаси. Қувонарлиси, Абдуллажон муддатидан аввал бир йўла 36 та халқаро университет талабаси бўлди. Жумладан, у Америкадаги Drexel University, University of Arizona, University of Delaware, University of Washington, University of Tampa, Marymount University ва яна бир қатор халқаро университетларда ўқиш имкониятига эга бўлди. Абдуллажон ушбу университетлардан Американинг Аризона штатида жойлашган University of Arizona университетини танлади. Бу университет жаҳон рейтингда 99-ўринда, танлаган Иқтисод йўналиши бўйича эса 42-ўринда туради.

Абдуллажон "Эл-юрт умиди"



жамғармаси стипендианти бўлишга ҳам муваффақ бўлди. Эндиликда ушбу жамғарма орқали Абдуллажоннинг ўқишга оид барча ҳаражатлари қоплаб берилади.

"Биз мактаб учун эмас, ҳаёт учун ўқишимиз керак", - дейди Абдуллажон Расулов.

Абдуллажонга мақсадлар сари тинимсиз ҳаракат, ўқиш ва изланишларида зафарлар тилаймиз.

Алишер СОЛИЕВ.

"Китобсевар миллат"

"КИТОБХОНЛИК ҲАФТАЛИГИ"ГА СТАРТ БЕРИЛДИ



Инсоннинг бахт-у камоли, осойишта ва фаровон ҳаётида китоб мутолаасининг алоҳида ўрни бор. Ҳозирги кунда юртимизда китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини оширишга қаратилган тарғибот ишлари тизимли ва самарали тарзда ташкил этилмоқда. Бу эса ёшлар орасида бадиий адабиёт ўқишга бўлган қизиқишнинг янада ортишида, уларнинг қобилият ва иқтидорларини рўйбга чиқаришда, билим ва кўникмаларини ривожлантиришда, маънавий дунёқарабини шакллантиришда мустаҳкам пойдевор вазифасини ўтайди.

18 апрель куни Фуркат тумани Ахборот-кутубхона марказида "Баркамол авлоднинг шаклланишида китобнинг ўрни" номли китобхонлик ҳафталигининг очилиш маросими ўтказилди.

Тадбирни туман ҳокими, туман Ахборот-кутубхона марказининг фахрий раиси Жаҳонгир Жуманов очиб берди. Шундан сўнг, тадбир иштирокчилари жўрлигида тинчлигимиз ва ватанимиз озодлигини тараннум



этувчи мадҳия янгради. Маскур тадбирда ўқувчилар томонидан тайёрланган шеър, кўшиқ ҳамда сахна кўринишлари барчага манзур бўлди.

Ҳафталик доирасида 26-умумий ўрта таълим мактабида "Зиё маскани"нинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирни 4-сектор раҳбари К. Абдурахмонов очиб берди ва ўқувчиларга китоб ўқишнинг аҳамияти, инсон камолотга эришишидаги ўрни муҳим эканлигини таъкидлади. Тадбирда ўқувчилар "Болага китоб беринг" шеърини ёддан айтиб беришди.

Маълумот ўрнида, бу каби "Зиё маскан"лари тумандаги барча умумтаълим мактабларида очилиши режалаштирилган.

Инсоннинг маънавий камолотини таъминлашда китобдек қудратга эга восита топиламас. Шу боисдан барча ёшларимизни, ота- оналаримизни китоб ўқишга ундан илму одоб сирларини ўрганишга қорлаб қоламиз!

М. ХОЛИҚОВ,
Ахборот кутубхона маркази
директори.

Янги бино, янги орзу ва мақсадлар рўёби

ФУРҚАТ ТУМАНИДА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗИ БИНОСИ ФЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

21 апрель куни истиқлол билан тенгдош бўлган туманимизда бутунлай янгидан барпо этилган замонавий кўринишга эга Давлат хизматлари маркази биноси иш бошлади.

Тантанали очилиш маросимида адлия вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги вакиллари, туман фаоллари, тўрт сектор раҳбарлари, кенг жамоатчилик иштирок этди. Тадбирда Адлия вазирлиги ўринбосари Х.Мелиев ҳамда туман ҳокими Ж.Жумановлар сўз олиб, янги бино фуқаратликлар учун муқаддас Рамазон ойида муносиб туҳфа бўлганлигини эътироф этдилар. Шу билан бирга соҳа ходимларига фуқароларни ҳамшиша очик чехра ва самимий табассум билан кутиб олиб, уларга шараф билан хизмат қилишларини, фуқароларни давлат идораларидан рози қилишдаги масъулиятли вазифаларини шараф билан адо этишларини тиладилар. Очилиш маросимида алвон ленталар қирқилиб, йиғилганлар марказда яратилган шароитлар билан яқиндан танишди.

-Марказимизнинг аввалги ҳолати кўзда тутилган стандартларга жавоб бера олмас эди, - дейди ДХМ бўлим бошлиғи Нилуфархон Юнусова, - Мижозларнинг сифатли хизмат олишларига кўмаклашиш мақсадида янги барпо этилган марказимиз тез фурсатларда ўзига хос дизайн асосида қулай ва шинам кўриниш касб этди. Тўлиқ равишда қўшимча қулайликлар ва замонавий хизмат кўрсатиш имконияти яратилди. Бу каби янги ва замонавий бинолар фақат ва фақат халқ манфаатлари учун хизмат қилади.

Фойдаланишга топширилган марказда бир вақтнинг ўзига 10 нафар, бир кунда 500 нафардан ортиқ фуқарога хизмат кўрсатиш имконияти пайдо бўлди. Айни кунларда замонавий тарзда жиҳозланган кенг ва ёруғ хоналар, кутиш заллари, болалар майдончаси, инвесторлар хонаси, инфоленд, касса, ошхона мижозларнинг хизматлар билан боғлиқ ҳар қандай оғирини енгил қилади. Марказда тадбиркорлик субъектлари учун ҳам барча қулайликлар мавжуд. Бинода инвесторларга хизмат кўрсатиш учун



махсус жой ҳозирланган. Фуқароларга бепул ҳуқуқий маслаҳат бериш бурчаги, кутиш зали, тиббиёт хонаси, Е-аукцион ва ўз-ўзига хизмат кўрсатиш шароитлари яратиб қўйилган. Шунингдек, янги бинода Фуркат туман Ахборот-кутубхона марказининг кўчма кутубхонаси ҳам ташкилланган бўлиб, бу ерга келган фуқаролар навбатлари келгунига қадар мароқли хордиқ чиқаришлари учун барча имкониятлар яратилган.

Ушбу янгидан барпо этилган марказ биносининг ўзига хос жиҳати шундаки, унда компакт тарзда Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари ҳам жой олган. Эндиликда Адлия вазирлиги тизимидаги бу ҳар икки ташкилотга эҳтиёж сезган фуқаролар туманининг у четидан бу четига боришмайди. Барча ишлари шу ернинг ўзига ечим топади.

Марказ биноси "Кўкон бунёдкори" МЧЖ қурувчилари томонидан анъанавий архитектура ва халқаро меъморий дизайн билан уйғунлаштирилган ҳолда бунёд этилди. Ташкилотчилар томонидан "Кўкон бунёдкори" МЧЖ раҳбари Адҳамжон Бўроновга алоҳида миннатдорчилик билдирилди.

Шу куни "Бахт уйи"нинг янги биносида Абдусаломовлар оиласининг никоҳлари тантанали қайд этилиб, Адлия вазирлигининг эсдалик совғалари ҳамда "Никоҳ гувоҳномалари" топширилди.

Шундан сўнг, туман Маданият бўлими ходимлари ҳамда 12-сонли Болалар мусика ва санъат мактаби ўқувчиларининг концерт дастури намойиш этилди.

Дурдона ҒОФҒОРОВА.

Баҳорнинг ҳар бир куни ғанимат

ЭНДИ ФЕРМЕР РЕЖА УЧУН ЭМАС, МАНФААТ УЧУН ИШЛАЙДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят сектор раҳбарлари ҳамроҳлигида пахтачилик кластерлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишлари доирасида Фуркат туманида бўлиб, 2022 йил пахта ҳосили учун чигит экилган майдонларда гўза қатор ораларига биринчи ишлов ўтказиш ишлари ва ташкил этилган культивация отрядлари фаолиятига бағишланган семинарларда қатнашди.



(Давоми 2-саҳифада).



ФУРҚАТ ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

2022 йил 4 апрель

100-11-164-Q/22

МАКТАБ ЁШИДАГИ БОЛАЛАРНИ МАЖБУРИЙ ТАЪЛИМГА ЖАЛБ ЭТИШ МАҚСАДИДА ТУМАНДАГИ ҲАР БИР ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ХУДУД ВА МИКРОХУДУДЛАРГА БИРИКТИРИШ ҲАҚИДА

Худудлардаги аҳоли сонининг ўсаётганлиги, умумий ўрта таълим мактаблари қўшимча ташкил этилиб, янги рақамлар берилганлигини инобатга олган ҳолда мактаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб этиш борасида худудларни аниқлаштириш зарурати келиб чиқмоқда. Шу муносабат билан ҳамда туман халқ таълими бўлимининг туман ҳокимлигига "Мактаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб этиш мақсадида тумандаги ҳар бир таълим муассасаларини худуд ва микрохудудларга бириктириш тўғрисида"ги мурожаати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 мартдаги "Умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 140-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари ва Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 6, 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Фурқат тумани Халқ таълими бўлими мудирининг "Мактаб ёшидаги болаларни мажбурий таълимга жалб этиш мақсадида тумандаги ҳар бир таълим муассасаларини худуд ва микрохудудларга бириктириш тўғрисида"ги мурожаати қаноатлантирилсин.
2. Туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги ҳар бир таълим муассасалари худуд ва микрохудудларга бириктириш жадвали иловага мувофиқ тасдиқлансин.
3. Ушбу қарор "Навбахор" газетасининг навбатдаги сонидида расмий эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлиги Ахборот хизмати (У.Бозоров) ҳокимлик веб-сайтига 1 кунлик муддатда жойлаштирилишини таъминласин.
4. Мазкур қарори оммавий ахборот воситалари орқали расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.
5. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Аъзамов ва туман Халқ таълими бўлими мудирини М.Ортиқовлар зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ж.Жуманов

ЭНДИ ФЕРМЕР РЕЖА УЧУН ЭМАС, МАНФААТ УЧУН ИШЛАЙДИ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Қолгандарё массивидаги "Шайдуллобек" фермер хўжалигида ўтган учрашувда тумандаги мавжуд 194 та фермер хўжаликларининг 5 минг 425 гектардан зиёд ер майдонларида экилган гўзаларнинг агротехник тадбирларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш ҳақида сўз борди. Тажрибали деҳқонлар маслаҳатлари эшитилди. Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бугунги кунда Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилаётган ислохотлар туфайли қишлоқ хўжалигида қулай шарт-шароитлар яратилаётганлигини қайд этди.

Шунингдек, бу йил вилоятда ҳар бир фермер ўзи учун 50 центнердан ҳосил

олишни режа қилиб, олдинга интилиши зарурлигини уқтирди. Кластерлар раҳбарлари ва мутасаддиларга гўза парвариши билан боғлиқ кўрсатмалар берди.

Туманда 110 та механизаторлардан иборат 8 та отрядлар ташкил этилган бўлиб, мавсумда чигит экилган 5 минг 425 гектардан зиёд майдонда режадаги 17 минг 100 тоннадан зиёд пахта хомашёсини етиштиришда уларнинг ҳиссаси катта бўлади. Шунинг учун тадбирда ўз меҳнати билан бошқаларга ўрнак бўлаётган бир гуруҳ механизаторларга эсдалик совғалари топширилди.

Муҳаммадризо ФУЛОМОВ.

Аждодлар хотираси қалбларда мангу

БУЮК САРКАРДА ВА ДАВЛАТ АРБОБИ

Юртимизда ҳар йили апрель ойида соҳибқирон Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид адабий-бадний кечалар, турли тадбир ва кўрик-танловлар ўтказиш анъанага айланган. Жумладан, Фурқат педагогика коллежидида Амир Темур таваллудининг 686 йиллиги муносабати билан "Амир Темур издошларимиз" номли тадбир ўтказилди. Тадбирни коллежнинг "Мактабгача таълим" йўналиши II босқич ўқувчилари ташкиллади. Ўқувчиларимиз улў саркарда ва давлат арбобининг ҳаёт йўли, ҳарбий юришлари, маданий-маърифий соҳада олиб борган ишлари ҳақида маълумотлар беришди, "Темур тузуқлари" асари асосида сахна кўриниши намойиш этилди.

Эътироф этиш ўринлики, умумбашарият тарихида мислсиз аҳамиятга эга бўлган буюк соҳибқирон Амир Темур сиймосида халқимизнинг куч-қудрати, адолатпарварлиги, бунёдкорлиги мужассам. Ўқувчиларимизнинг Амир Темур тарихини мадҳ этувчи сахна кўринишлари, шеърлар, куй ва қўшиқлари, бир-биридан гўзал рақслар томошабинлар эътирофига сазовор бўлди.

Ўзбек давлатчилигининг тарихан



шаклланишига Амир Темур қўшган буюк ҳисса, унинг сиёсий, дипломатик фаолияти билан боғлиқ жиҳатлар тадбирнинг асосий мавзуси бўлди. Амир Темурнинг адолатли жамият барпо этиш, халқ фаровонлигини таъминлаш, ўзаро ҳамжихатлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга оид эзгу тамойиллари бугун юртимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий ислохотлар билан ҳамоханг экани алоҳида таъкидланди.

Хасанбой ЭРГАШЕВ,
Фурқат педагогика
коллежи директори.

Ёшлар етакчиси фаолиятидан

ЁШЛАРГА СУЯНЧ ВА ТАЯНЧ БЎЛАМИЗ!

Мамлакатимизда янги Ўзбекистонни барпо этишдек улў мақсадга эришиш йўлида асосий таянчимиз бўлган азму шижоатли ёшларга барча соҳаларда ўз иқтидори ва салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун зарур шароит ва имкониятлар яратиб бериш давлат сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Маҳаллаларда ёшлар етакчиси лавозими жорий этилгани ҳам ана шу ишларнинг янги босқичга кўтарилаётганидан далолатдир.

Маҳаллалардаги ёшлар етакчиси таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишга кўмаклашади. Шу билан бирга, ёшларнинг ижтимоий аҳволидан доимий хабардор бўлиб туради.

Ҳозирда "Бекобод" МФЙ ёшлар етакчиси сифатида фаолият олиб бораётган. Худудда истиқомат қилуви 18-30 ёшдаги ёшлар сони 850 нафарни ташкил этади. Ёшларни тадбиркор-



кунимни таълим масканларига бориб, дарс жараёнини кузатиш ва ўқувчилар билан суҳбатлашиб, уларни турли танлов ва беллашувлардан хабардор қилишдан бошлайман.

Шу кунларда маҳалла ёшлари ўртасида "Беш ташаббус" олимпиадасига рўйхатга олиш ишлари давом этмоқда. Олимпиада апрель, май, июнь ойларида ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, "Ёшлар овози", "Ёш китобхон онла", "Мушоира", "Зукко китобхон", "Қувноқлар ва зукколар" республика танловлари, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштиришга қаратилган мини-футбол, футбол, волейбол, енгил атлетика, streetball, шахмат, шашка, стол тенниси ва street workout бўйича республика спорт мусобақалари, киберспорт мусобақаси ҳамда "Заковат" интеллектуал ўйинлари ўтказилади.

Ушбу мусобақаларда бекободлик ёшларнинг фаол иштирокини таъминлашга ҳамда энг иқтидорли ва зукко ёшларга кўмак бериб, зиммамдаги вазифаларни сидқидилдан бажаришга киришганман.

Маъсуджон ҚОБИЛОВ,
"Бекобод" МФЙ ёшлар етакчиси.

Беш ташаббус ёшларга қанот

СЕКТОР РАҲБАРИНИНГ ТАШАББУСИ

Туманимизда спортнинг футбол турини янада ривожлантириш, маҳаллалардаги болалар ва ўсмирлар ўртасида футболни янада оммалаштириш, уларни жисмоний соғломлаштириш, назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда болалар ва ўсмирларни доимий равишда спортга жалб қилиш ҳамда иқтидорли футболчиларни аниқлаш, шунингдек, мухтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббуснинг "Ёшларни жисмоний чиниктириш ва уларни спорт соҳасида қобилиятларини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтириш" бўйича 2-ташаббусларини амалиётга татбиқ этиш борасида барча саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

Яқинда 4-сектор раҳбари Курбонали Абдурахмоновнинг ташаббуси билан сектор ҳудудидаги маҳалла ёшлари ўртасида спортнинг футбол тури бўйича "Сектор раҳбари кубоги" мусобақалари ташкилланди. Тумандаги 28-умумтаълим мактабида 15 кун мобайнида ўтказилган беллашувнинг якуний натижаларига кўра "Шўр" МФЙ ёшлари биринчи ўринни, "Ғунча" МФЙ ёшлари иккинчи



ўринни, полвонтошлик ёшлар эса учинчи ўринни эгаллади. Ғолиб жамоага сектор раҳбарининг кубоги, медаллар ҳамда эсдалик соғалари топширилди. Шунингдек, мусобақа давомида фаол иштирок этган "Энг яхши дарвозабон", "Энг яхши ҳужумчи", "Энг яхши ҳимоячи", "Энг яхши ярим ҳимоячи" номинацияларига муносиб бўлган ёшлар ҳам рағбатлантирилди.

Бу каби мусобақаларни ташкиллаш орқали ёшларнинг спорт билан доимий равишда шуғулланишлари учун кенг шарт-шароитлар яратилмоқда.

Шохрух АҲМЕДОВ,
"Шўр" МФЙ ёшлар етакчиси.

"Китобхонлар клуби"

КИТОБ ЎҚИМАГАН МИЛЛАТНИНГ КЕЛАЖАГИ ЙЎҚ

Ёшларнинг бахту камоли, осойишта ва фаровон ҳаётида китобнинг алоҳида ўрни бор. Чунки яхши китоб инсонда Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат туйғуларини юксалтириб, яхшилик ҳамда эзгуликка ундайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарориди ахборот-кутубхона муассасаларида "Китобхонлар клуби" ташкиллаш белгиланган эди.

Аҳмад Фарғоний номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказида бугунги кунда 7 та "Китобхонлар клуби" ўз фаолиятини олиб бормоқда. Клуб машғулоти ҳафтанинг чоршанба кунлари соат 8:00 дан 9:00 гача ўтказилади.

"Кутубхона дўстлари" клуби "Биз ҳар бир қалбни эгаллаймиз" шиори остида фаолият юритади. Клубнинг эзгу мақсади - ҳар бир қалбга зиё улашиш, маърифат тарқатиш ва охир-оқибат уни эгаллашдир.

Кутубхонада нафақат ёшларга балки, фахрийлар, ногиронлар ва кекса ёшлилар учун хизмат кўрсатиш кутубхона фаолиятида катта ўрин эгаллайди. Нафақадаги китобхонлардан ташкил қилинган "Саломатлик клуби" бунинг исботидир. Ушбу клуб кекса одамларнинг фойдали, мақсадга мувофиқ фаоллигини сақлаш, улар учун қулай психологик муҳит яратишга қаратилган.

Халқимизда "Тил билган эл билади" деган нақл бежизга айтилмаган. Бу борада Давлатимиз раҳбари томонидан ёшларнинг тил ўрганишига катта аҳамият берилмоқда. Шу маънода кутубхоналаримизда вилоятимиз ёшлари



учун "Хорижий тилларга қизиқувчилар клублари" фаолият юритмоқда. Мазкур клублар рус, инглиз, немис ва корейс тилларига қизиқувчи ёшларни жамлаган.

Санъат йўналишига қизиқувчи ёшларга рассомлик ва дизайнерлик сирларини ўргатиш мақсадида "Сехрли мўйқалам" клуби ўз фаолиятини бошлади. Кутубхонамизда нафақат катталар, балки, жажжи китобхонларимиз ва уларнинг оналари учун ҳам "Оналар ва болалар" китобхонлик клуби ташкил этилган. Болажонлар учун тарбиявий мультфилмлар, қизиқарли бошқотирмалар ва ўйинлар ташкил этилади.

Китобхон клублари мунтазам равишда фаолият кўрсатадиган китоб кўргазмалари, ёшлар билан суҳбатлар, янги нашрлар тақдимотларини ташкил этиш орқали аҳолини жаҳон адабиётининг таржима қилинган энг яхши намуналари билан таништириш, ахборот маданияти ва замонавий мутлоа маданиятини ва фикрлаш савиясини янада ошириш мақсадида ижтимоий фаол ёшларни кўнгиллилар ҳаракатига жалб этиш, кутубхоначи ва тарғиботчилар орасида турли танловлар ўтказиш масалалари қамраб олинади.

Мухайё РУСТАМОВА,
Аҳмад Фарғоний номидаги
Фарғона вилоят ахборот-кутубхона
маркази илмий методика
хизмати раҳбари.

КИТОБ - ҚАЛБ ЧАРОҒБОНИ

БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА КИТОБНИНГ ЎРНИ

Китоб ақлни чархлайди, фикрни бойитади, маънавиятни юксалтиради. Эртамиз эгаларининг онгу шуурида ватанпарварлик, инсонийлик туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади. Шу боис, мамлакатимизда китобхонликни тарғиб қилиш, китобни севиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Куни кеча "Китобхонлик ҳафталиги" доирасида 21-умумтаълим мактабида "Мактаб-кутубхона-оила-жамоат ташкилотлари" номли хайрия тадбири ўтказилди. Тадбирга туман ИИБ бошлиғи, 2-сектор раҳбари Т.Эгамбердиев, Калдушон МФЙ раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари О.Кўзиева ва маҳалла ёшлар етакчиси Ж. Шарофидиновлар тақлиф этилди. Унда мактаб директори Р.Аҳмедов инсон камолотида китоб ва китобхонликнинг аҳамияти, юртимизда китоб ўқиган болани рағбатлантиришга қаратилган турли танловлар ҳақида мулоҳазаларини билдириб, китоб ўқиган инсондан ёмонлик чиқмаслигини таъкидлади. ИИБ бошлиғи, подполковник Т.Эгамбердиев таълим масканимизнинг билимдон, зукко ва спортчи ёшларига ўзининг эсдалик совғаларини топширди.

Шу куни "Китоб дунёси" ташкилоти томонидан китоб ярмаркаси ҳам ўтказилиб, 500 дан зиёд китоблар "Зиё" маскани кутубхонасига топширилди. Шундан сўнг, "Китоб қалб кўзгуси" мавзусида маданий-маърифий тадбир ташкилланди. Ўқувчиларимиз тинчлик, бахтли болалик, китобхонликни тараннум этувчи куй-қўшиқ ва



шеърлари билан иштирокчиларга кўтаринки кайфият улашишди. Тадбирда фаол иштирок этган ўқувчиларга мактаб маъмуриятининг эсдалик совғалари ҳамда фахрий ёрликлари тақдим этилди.

- Китоб инсоннинг энг яқин дўсти, маслаҳатчиси ва билим манбаидир. Китоб фикрлаш қуроли, хазиналар қалити, тафаккур манбаи бўлгани учун ҳам халқимиз уни нондай азиз, мўътабар ва муқаддас деб ҳисоблайди, - дейди маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари И.Сулаймонов, - Шунинг учун китобга муҳаббат, уни қадрлаш, ўқишга иштиёқ халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Инсонни ўқимишли, зиёли эканлигини унинг бир оғиз сўзидан ҳам билиб олиш мумкин. Китоб мутлоаси дунёқарашни кенгайтиради. Китоб инсонни баркамол шахс сифатида шаклланишида муҳим аҳамиятга эга.

Д. ЭШМАТОВА,
21-умумтаълим мактаби
ижодий-маданий
масалалар бўйича тарғиботчиси.
Э. УСМОНОВА,
Г. УСМОНОВА,
мактаб кутубхоначилари.

ТАЪЛИМ

БИЛИМ, ТАЖРИБА, ТАҲЛИЛ

Бошланғич таълим дарсларида ўқитувчи ўз билими, кўникма ва малакаси билан ўқувчини мантикий фикрлашга, дасрларни тўғри ўзлаштиришга ва мустақил фикрлашга ўргатади. Ўрганиш жараёнида ўқувчилар ўзлаштиришнинг турли кўринишларидан фойдаланишади, яъни ўзлаштирилаётган маълумотларни қабул қилиш, қайта ишлаш ҳамда амалиётга татбиқ этишда ўзига хос тафовутларга таянади. Таълимий мақсад асосида ўқувчиларда мустақил фикрлаш, оғзаки ва ёзма саводхонликни ошириш, мантикий тафаккурни ривожлантириш орқали уларнинг мулоқот маданияти ҳамда мантикий фикрлаш қобилияти шакллантирилади.

Туманимиздаги 13-умумтаълим мактабида бошланғич таълим ўқитувчиларининг "Бошланғич синф дарсларида ўқувчиларнинг мантикий фикрлаш қобилиятларини ўстириш ва PIRLS халқаро баҳолаш тадқиқотларига тайёргарлик кўриш" мавзусида ўқув семинари ўтказилди. Семинарда олий тоифали ўқитувчилар ва ёш мутахассислар томонидан намунали дарс машғулоти ташкилланди. Жумладан, олий тоифали



ўқитувчи Фотимахон Тўхтаматова, Муқаддасхон Акрамова, Ойгул Маҳмудова, Умидахон Жўраева, Дилобархон Қодирова, Моҳирахон Эркабоева, ёш мутахассислар Мафтунахон Эшонқулова, Малоҳатхон Турғунова, Қизлархон Юлдашева, Гулчирай Эрнзароваларнинг дарслари семинар иштирокчилари томонидан таҳлил қилиб борилди. Бу каби семинарларни ташкиллашдан мақсад - педагогларнинг билимларини мустаҳкамлаш, таълим сифатини ошириш ҳамда юксак салоҳиятли авлодларни камол топтиришдан иборатдир.

Маърифатхон АТАДЖОНОВА,
Фурқат тумани ХТБ бошланғич
таълим методисти.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизнинг барча соҳаларида ислохотларни амалга ошириш, одамларнинг дунёқарашини ўзгартириш, етук ва замон талабига жавоб берадиган мутахассис кадрларни тайёрлашни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассис кадрларни тайёрлаш, давлат талаблари асосида таълим ва унинг барча таркибий тузилмаларини такомиллаштириб бориш олдимизда турган долзарб масалалардан биридир.

ЮКСАК САЛОҲИЯТЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ - ДОЛЗАРБ МАСАЛА



Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий қудрати, ижтимоий-маънавий ҳаёт даражасининг юксалиши таълим тизимининг рақобатбардошлиги, илм-фан таракқиёти билан белгиланади. Шу боис, юртимизда таълим соҳасини тубдан такомиллаштириш, таълим сифатини ошириш, интеллектуал салоҳиятли, жисмоний баркамол авлодни шакллантириш, таълимнинг дастлабки босқичи бўлган мактабгача таълим соҳасини ривожлантириш устувор вазифалар сифатида белгиланган.

Сўнгги йилларда таълимнинг илк босқичи бўлган мактабгача таълим тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Узлуксиз таълим тизимининг бирламчи

бўғини ҳисобланган ушбу соҳа ҳар томонлама соғлом ва баркамол бола шахсини тарбиялаш ва мактабга тайёрлашда ғоят муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, мактабгача таълим соҳасида кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яқинда Фурқат педагогика коллежида "Мактабгача таълим" йўналиши 01.01.20-гуруҳи талабалари учун очик дарс машғулоти ташкилланди. Унда бўлажак тарбиячиларга таълимий дидактик ўйинларнинг бола тарбиясидаги аҳамияти хусусида маълумотлар берилди. Мактабгача таълимга қамраб олинган 3-7 ёшдаги болаларга дидактик ўйинлар орқали мантикий фикрлаш, жамоа бўлиб ишлаш, ўзаро дўстона муносабатга киришиш, мулоқот маданияти ўргатилса яхши самара бериши тақдирот кўринишида тушунтириб берилди. Шунингдек, талабалар гуруҳларга бўлинган ҳолда ўтилган мавзулар ҳамда янги мавзуга оид билимларини турли мусобақалар, савол-жавоблар орқали ўзлаштириб бордилар. Очик машғулоти давомида фаол иштирок этган талабалар рағбатлантириб борилди ва яқинда энг фаол жамоа аниқланди.

Сайёрахон АБДУКАРИМОВА,
Фурқат Педагогика коллежи махсус
фан ўқитувчиси.

САЛОМАТЛИК ЭНГ КАТТА БОЙЛИК!

ЎЗИНГИЗ ВА ЯҚИНЛАРИНГИЗНИ АСРАНГ!

Ҳурматли юртдошлар!

Фурқат тумани СЭС қошида Коронавирусни аниқлаш Полимер занжир реакция (ПЗР) лабораторияси ишга туширилди.

ПЗР (ПҮР) лаборатория усули ўта сезгир бўлиб, касалликнинг эрта босқичларида аниқлаш имконини беради ва эрта даволаш муолажалари бошланишига сабаб бўлади.

Ушбу таҳлиллар беморлар, шубҳа қилинганлар, санатория ва даволанишга борадиганлар, беморлар билан мулоқотда бўлган аҳоли учун бепул.

Бундан ташқари чет давлатларга чиқадиغان аҳоли учун пуллик асосда ПЗР

(ПҮР) таҳлили ўтказиб бериш йўлга қўйилган бўлиб, бунда Covid-19га текширилганларга Республика умумий CORONAVIRUS-TEST.SSV.UZ базасига киритилган QR - кодли халқаро сертификат ҳам берилади.

Марҳамат, хизматларимиздан фойдаланинг.

Манзил: Фарғона вилояти, Фурқат тумани, Навбахор шаҳарчаси, 17-уй.

Телефон: 73 54 92 627

САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ОСОЙИШТАЛИК ВА ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ХИЗМАТИ ТУМАН БЎЛИМИ.

ЭНГ НАМУНАЛИ САРДОРЛАР КЕНГАШИ АНИҚЛАНДИ



Мамлакатимиздаги барча умумий ўрта таълим муассасаларидаги сардорлар кенгаши ўз атрофига 3,5 миллиондан зиёд ўқувчини бирлаштирган. Бу жамоатчилик тузилмаларининг асосий фаолияти ўқувчилар манфаатини ҳимоя қилиш, уларни умуминсоний ва миллий кадриятлар асосида тарбиялаш, ёшларда ватанпарварлик туйғусини кучайтириш, ижтимоий дахлдорлик, экологик маданият, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришдан иборат. Яқинда туманимизда "Камалак" болалар ташкилоти томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Энг намунали Сардорлар Кенгаши" кўрик-танловининг Фуркат туман босқичи ўтказилди. Фуркат туманидаги Касб хунар мактабида бўлиб ўтган кўрик-танловда 7 та жамоа баҳслашди. Танловда жамоалар "Бу бизнинг фаолият", "Бизнинг имкониятларимиз!", "Интеллектуал ринг" шартлари бўйича беллашдилар.

"Бу бизнинг фаолият" шартда жамоалар кейинги ўқув йилида амалга оширмоқчи бўлган лойиҳалари ва фаолиятларини бадиий чиқишлар орқали таништиришди. "Бизнинг имкониятларимиз" шартига эса иштирокчи жамоалар болалар орасида мавжуд муаммоларга ечимни ўз янги

лойиҳалари билан топилари лозим эди. 18-, 17-, 14-, 2-, 9-мактаб сардорларининг ижтимоий лойиҳаларида айна бугунги кун муаммолари кўтарилгани, ижтимоий аҳамияти жиҳатидан болалар муаммоларини ҳал қилишга қаратилгани билан эътиборга сазовор бўлди.

"Интеллектуал ринг" шартда иштирокчи жамоаларнинг ижтимоий, сиёсий, ҳукукий, маънавий-маърифий билимлари синовдан ўтказилди. Бу шартда 18- ва 17-мактаб сардорлар Кенгаши илғорлик қилди.

Кўрик-танловда 18-умумтаълим мактаби сардорлар Кенгаши 1-ўринни, 17-умумтаълим мактаби сардорлар Кенгаши 2-ўринни, 9- умумтаълим мактаби сардорлар Кенгаши 3-ўринни қўлга киритди. 18-мактаб сардорларининг "Келажак юлдузлари" жамоаси кўрик-танловнинг вилоят босқичида ҳам муносиб иштирок этиб, ғолиблар сафидан жой эгаллади.

Ёш авлодни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат ва миллий кадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларда жамиятимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини шакллантириш мақсадида ташкилланган мазкур танлов "Камалак" болалар ташкилотининг ёрқин лойиҳаларидан биридир. Асосийси, мазкур кўрик-танлов сардорлар кенгаши аъзоларининг ютуқ ва тажрибаларини таҳлил қилиш, ўзаро тажриба алмашишида қулай имконият яратди.

Шоҳруҳбек ХОЛМАТОВ,
18-умумтаълим мактабининг
11-синф ўқувчиси, Ўзбекистон
ёшлар иттифоқи Фуркат тумани
кенгаши Иттифок сардори.

25 апрель - Бутунжаҳон безгакка қарши кураш куни

БЕЗГАК - ХАВФЛИ ВА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИК



Ҳар йили 25 апрелда нишонланган Бутунжаҳон безгак касаллиги куни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан 2007 йил май ойида ўтказилган 60-сессиясида белгиланган. Ушбу кун безгакни самарали назорат қилиш бўйича глобал сарф-ҳаракатларни илгари суришга бағишланган. 2019 йилдан буён 25 апрель безгакка қарши кураш кунини "Безгакни йўқотиш мендан бошланади" шиори остида нишонланиб келинмоқда.

Безгак - паразитар тропик касаллик бўлиб, иситма хуружлари, камқонлик жигар ва талокнинг катталаниши билан кечади. Одамлар орасида безгак касаллигининг 5та тури: тропик, уч кунлик, тўрт кунлик, овале-безгак ва яна Шимолий шарқий Осиё давлатларида Plasmodium knowlesi, маймунларда безгак касаллиги келтирадиган тури учрайди. Тропик безгак энг оғир кечадиган ва кўпинча ўлим билан тугайдиган тур ҳисобланади.

Безгак бемор одамдан соғлом одамга зарарланган урғочи чивин қақиши, тиббий муолажалар қилиш (мушак ичи

ва томирга зарарланган шприц билан инъекция қилиш, зарарланган қонни куйиш) орқали ҳамда вертикал йўл билан - безгак билан оғирган аёлнинг туғруқ вақтида бўлажак боласига юқади. Касалликнинг бошида тана ҳароратининг кўтарилиши, қалтираш, бош оғриғи, ҳолсизлик, мушакларда оғрик, кўнгил айнаши, томоқда оғрик, жигар ва талокнинг катталаниши кузатилади.

Ўзбекистон Республикаси 2018 йил ЖССТнинг маҳаллий безгакдан ҳоли давлат сертификатини олган. Бирок, ҳозирги вақтда республика ҳудудида аҳолини миграцияси кучайганлиги ва безгакнинг бошқа давлатлардан келтирилиши (туристлар, хорижий талабалар бизнесменлар ва б. орқали), мамлакатимизнинг барча ҳудудларида касаллик ташувчиларининг мавжудлиги, иқлим ўзгаришлари, безгак чивинларининг интенсицидларга барқарорлиги сабабли безгакнинг тарқалиши хавфи сақланиб қолмоқда. Безгакнинг олдини олишда чивинларни йўқ қилиш, ботқокларни қуритиш, ховузларни тозалаш ишлари биргаликда олиб борилади. Фақат ўз вақтида ва тўғри даволаниш касалликнинг оғир кечиши ва асоратларининг олдини олади.

Маърифатхон ХОШИМОВА,
Фуркат тумани СЭО ва ЖСХБ
Паразитология лабораторияси бўлими
муdiri.

Э Ў Л О Н Л А Р

Фуркат тумани ХТБ тасарруфидида 22-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синфини 2010 йилда тамомлагани ҳақида **Назарода Маликахон Қурбонали қизи** номига берилган **О'Р-Ш № 1052853** рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Фуркат тумани ХТБ тасарруфидида 27-умумий ўрта таълим мактабининг 11-синфини 2020 йилда тамомлагани ҳақида **Ортикова Юлдузхон Муроджон қизи** номига берилган **УМ № 0648084** рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

Данғара транспорт касб-хунар коллежини **“Бухгалтерия хисоби”** мутахассислиги бўйича 2008 йилда тамомлагани ҳақида **Файзиматова Мадинахон Исроиловна** номига берилган **К № 1052421** рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **бекор қилинади.**

ЙЎЛ ҚОИДАСИ - УМР ФОЙДАСИ

Содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг келиб чиқиш сабабларини аниқлашда судга оид транспорт изишунослик экспертизаси алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, йўл-транспорт ҳодисаси ўрганилганда, жабрланувчи ҳам, айбдор ҳам воқеани ўзича таҳлил қилади ва ўзини ҳақ деб билади. Транспорт изишунослик экспертизаси, автотехника экспертизаси турларидан бири бўлиб, унинг натижалари суд тергов органлари текширувларида энг кўп қўлланиладиган экспертиза турларидан биридир.

ТРАНСПОРТ ИЗШУНОСЛИК ЭКСПЕРТИЗАСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Транспорт изишунослик экспертизасида ЙТХ натижасида транспорт воситаларида қолдирилган шикастлар ва излар, изларнинг бир-бирига мослиги, ҳодиса жойида қолдирилган излар қайси автомобилга тегишлилиги, тўқнашув содир бўлган йўлда қайси автомобил шинасидан из қолдирилгани, автомобилларда қолдирилган излар, уларнинг контурлари, шакл ва ўлчамлари тўқнашувнинг тасвирланган табиатига мос келадими йўқми, ҳодиса жойида қайси транспорт воситасининг қисмлари қолган, йўлда ёки бошқа объектларда аниқланган излар ушбу транспорт воситасига тегишлими ёки йўқми каби жиҳатларини иноватга олган ҳолда ўрганилади. Ушбу аниқланган далиллар ЙТХни тергов қилишда асосий далил деб қабул қилинади. Асосли олинган далиллар тергов таҳминларини тасдиқлаб, воқеа содир этган ҳақиқий айбдорни аниқлашда асос бўлиб хизмат қилади ва экспертиза ҳулосасининг терговдаги аҳамиятини кўрсатади. Юртимизда бугунги кунда олинган таҳлиллар шунинг кўрсатмоқдаки, аксарият йўл-транспорт

ҳодисаларининг келиб чиқиш сабабларидан бири, маст ҳолатда транспорт воситасини бошқариш, белгиланмаган жойдан қайрилиб олиш, чорраҳаларда светофор ишорасига амал қилмаслик, нотўғри қувиб ўтиш, ҳаракатни бошлашда асосий йўлдаги транспорт воситасига йўл бермаслик ҳамда ҳайдовчилик курсларида тўлиқ ўқиб билимга эга бўлмасдан, ҳайдовчилик гувоҳномасини олиб, етарли даражада малакага эга бўлмай транспорт воситасини бошқариш натижасида содир этилмоқда.

Ҳурматли ҳайдовчилар, йўлларда ҳаракатланишда "Йўл ҳаракати қоидалари" талабларига қатъий амал қилсангиз, аянчли йўл транспорт ҳодисалари содир бўлишининг олдини олишда ўз ҳиссангизни кўшган бўласиз.

Лазизхон ЮЛДАШЕВ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Х.Сулаймонова номидаги Республика
суд экспертизаси марказининг
Фарғона вилоят бўлими катта суд
эксперти, 3-даражали юрист.

ҲУҚУҚШУНОС МИНБАРИ

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Савол: Кимлар Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) сайлаш ҳуқуқига эга?

Жавоб: Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 3-моддасига кўра, Фуқаролар йиғини раисини (оқсоқолини) сайлаш ҳуқуқига сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган ҳамда шаҳарча, қишлоқ, овул, шунингдек шаҳардаги, шаҳарчадаги, қишлоқдаги, овулдаги маҳалла ҳудудида доимий яшовчи фуқаролар эга бўлади.

Суд томонидан муомалага лойқатсиз деб топилган фуқаролар фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловда иштирок этиши мумкин эмас. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида фуқароларнинг иштирок этиши ҳуқуқларини бевосита ёки

бевосита чеклаш тақиқланади.

Савол: Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказиш муддатлари қайси орган томонидан белгиланади?

Жавоб: Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ўтказиш муддатлари сайлов бошланишидан камида икки ой олдин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловига тайёргарлик тадбирларини ўтказиш муддатлари ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши томонидан белгиланади.

Саволларга Адлия бўлими бошлиғи Э.БОЙМАТОВ жавоб берди.

Аҳолини рўйхатга олиш - келажак сари янги қадам

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш ўтказилмаган. Аҳоли сонига, ёш-жинс таркибига кескин таъсир кўрсатган ўзгаришлар, республика ҳудудидаги аҳоли жойлашуви хусусиятлари ва бошқа ижтимоий-демографик ўзига хосликлар аҳолининг жорий ҳисобига оид мавжуд маълумотларни қўллашни сезиларли даражада чекламоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2015 йил 10 июндаги "2020 йилда аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш борасидаги принциплар ва тавсиялар" резолюциясига таяниб, аъзо-давлатларни 2020 йилда Бутунжаҳон аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олиш дастури доирасида аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олишга тааллуқли халқаро ва ҳудудий тавсияларни иноватга олган ҳолда камида бир марта аҳоли ва уй-жой фондини рўйхатга олишни ўтказишни қатъий даъват этади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 710-сон қарори қабул қилинди. Бунда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишнинг мақсади, асосий вазифалари ва босқичлари белгилаб қўйилган. Унга кўра аҳолини рўйхатга олиш мамлакатда яшовчи барча аҳолига тегишли бўлган демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни йиғиш, умумлаштириш,



баҳолаш, таҳлил қилиш ва эълон қилишнинг ягона жараёнини ўз ичига олиб, аҳоли тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи ҳисобланади ва у келгуси 10-30 йиллик ривожланишнинг прогноз кўрсаткичларини ҳисоблаш учун ишончли пойдевор яратади, ҳудудларни ривожлантириш ва жамиятнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож катламларига ёрдам кўрсатиш бўйича сиёсий ва бошқарув қарорларини қабул қилиш учун зарур маълумотларни олиш имконини беради. У аҳоли сонини ишончли ҳисоблаш, шунингдек, аниқ белгилаб қўйилган ягона ҳисобга олиш даврида аҳолининг жинси, ёши, онлавий аҳоли, маълумоти даражаси, яшаш шароити, бандлиги, миллати, фуқаролиги ҳамда бошқа демографик, ижтимоий ва иқтисодий хусусиятлари бўйича яқка тартибда ҳисобга олиш ва батафсил тавсифлашнинг универсал усулини ишга солган ҳолда расмий статистика тизимида асосий рол ўйнайди.

Ш. АБДУБАНОНОВ,
Фуркат тумани статистика бўлими
бош мутахассиси.

“AL BAROT mikro kredit tashkiloti”ning баланс ХИСОБОТИ				2021 йил 31 декабрь ҳолатига	
КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ		
		АКТИВЛАР			
10	10100	Кассадаги нақд пуллар ва бошқа тўлов ҳужжатлари		9	749
20	10500	Банкларга қўйилган депозитлар ва бошқа маблағлар		1713	929
30	16300	Олиниши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар		126	274
40	11100*	Сотиб олинган дебиторлик қарзлари - факторинг			0
50	12401+12405+12409+12501*+12505*+12509*+12701*+12705*+ 12709*+14801*+14809*+14901*+ 14909*+15101*+15109*+15701+15703*+15705**+15707*	Кредитлар (микрокредит, микроқарз, истеъмо), брутто	4 503	978	
51	12499+12599*+12799*+14899*+14999*+15199*+15799	Минус:кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси	135	622	
52		Кредитлар, соф (50 код - 51 код)		4 368	356
60	15600*+15709*-15699	Микролизинг, соф			0
70	16500	Асосий воситалар, соф		369	855
80	16600	Номоддий активлар, соф			0
90	16701	Бошқа хусусий мулклар	0		
91	16707+16799	а. Минус:Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захираси	0		
92		б. Бошқа хусусий мулклар, соф (90 код-91 код)			0
100	19900+16100*+16400	Бошқа активлар		29	153
110		Жами активлар (10+20+30+40+52+60+70+80+92+100)		6 617	316
		МАЖБУРИЯТЛАР ва КАПИТАЛ			
		МАЖБУРИЯТЛАР			
210	21400+21600+22000	Тўланиши лозим бўлган кредитлар ва қарзлар			0
220	22100	Лизинг бўйича мажбуриятлар			0
230***	23600	Чикарилган облигациялар			0
240	22400	Тўланиши лозим бўлган фоизлар			0
250	22500	Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган солиқлар		153	113
260	22800	Муддати узайтирилган даромадлар		2	222
270	29800+22200*	Бошқа мажбуриятлар		6	984
280		Жами мажбуриятлар (210+220+230+240+250+260+270)		162	319
		КАПИТАЛ			
310	30301	Устав капитали		2 003	958
311***	30312+30318-30306-30324	а. Акциялар - оддий			0
312***	30309+30315-30303-30321	б. Акциялар - имтиёзли			0
320***	30600	қўшилган капитал			0
330	30900	Захира капитали		394	329
331	30903	а. Умумий захира фонди	394	329	
332	30905+30908	б. Бошқа захира ва фондлар	0		
340	31203	Тақсимланмаган фойда		1 821	444
350	(40000-50000)+31206	Жорий йил фойдаси (зарар)		2 235	266
360		Жами капитал (310(311+312)+320+330+340+350)		6 454	997
370		Жами мажбуриятлар ва капитал (280+360)		6 617	316

Раҳбар имзоси_____ Ҳакимова Н.Т
Бош бухгалтер имзоси_____ Ҳакимов У.Т

Изоҳ: * микрокредит ташкилотларига тегишли ҳисобварақ
** лoмбардларга тегишли ҳисобварақ
*** акциядорлик жамиятлари шаклидаги микрокредит ташкилотларига тегишли

“AL BAROT mikro kredit tashkiloti”нинг молиявий натижалар тўғрисидаги ХИСОБОТИ				2021 йил 31 декабрь ҳолатига	
КОД	ТАЪРИФ	КЎРСАТКИЧЛАР	МИНГ СЎМ		
		1. ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР			0
110	40400	Банклардаги депозитлар бўйича фоизли даромадлар			
120	42000+44200*+44701+44705**	Жисмоний шахсларга берилган кредитлар (микроқарзлар) бўйича фоизли даромадлар	2 768	172	
130	42100*+44300*+44703*	Якка тартибдаги тадбиркорларга берилган микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар			0
140	42300*+44500*+44707*	Юридик шахсларга берилган микрокредитлар бўйича фоизли даромадлар			0
150	45100*	Микролизинг бўйича фоизли даромадлар			0
160	44900	Бошқа фоизли даромадлар			0
170		Жами фоизли даромадлар (110+120+130+140+150+160)	2 768	172	
		2. ФОИЗЛИ ХАРАЖАТЛАР			
210	50600	Жалб қилинган қарз маблағлари бўйича фоизли харажатлар	26	603	
220	53106+54106	Банклардан олинган кредитлар бўйича тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар			0
230	53112*+53114*+53118*+53122*+ 53126*+53196*+54112*54114*+54118*+54122* +54126*+54196*	Бошқа кредиторларга тўланиши лозим бўлган фоизли харажатлар			0
240	54200*	Чикарилган облигациялар бўйича фоизли харажатлар			0
250	54400	Лизинг (микролизинг) бўйича фоизли харажатлар			0
260	54900	Бошқа фоизли харажатлар			0
270		Жами фоизли харажатлар (210+220+230+240+250+260)	26	603	
310		3. КРЕДИТЛАР БЎЙИЧА КЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОИЗЛИ ДАРОМАДЛАР (170-270)	2 741	569	
320	56802+56838*+56842	Минус: Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	127	220	
330		Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар баҳолангандан сўнг соф фоизли даромадлар (310-320)	2 614	350	
		4. ФОИЗСИЗ ДАРОМАДЛАР			
410	45200	Хизматлар ва бошқа воситачиликдан олинган даромадлар			0
420	45400*	Хорижий валюта курси ўзгариши натижасида олинган фойда			0
430	45900	Бошқа фоизсиз даромадлар	441	721	
440		Жами фоизсиз даромадлар (410+420+430)	441	721	
		5. ФОИЗСИЗ ХАРАЖАТЛАР			
510	55100	Кўрсатилган хизматлар ва воситачилик харажатлари	6	292	
520	55300*	Хорижий валюта курси ўзгариши натижасида кўрилган зарарлар			0
530	55900	Бошқа фоизсиз харажатлар			0
540		Жами фоизсиз харажатлар (510+520)	6	292	
600		6. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАРГАЧА СОФ ФОЙДА (330+440-540)	3 049	778	
		7. ОПЕРАЦИОН ХАРАЖАТЛАР			
710	56100	Ходимлар иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар	301	978	
720	56200	Ижара ва таъминот харажатлари	31	267	
730	56300	Хизмат сафари ва транспорт харажатлари			0
740	56400	Маъмурий харажатлар	30	442	
750	56500	Репрезентация ва хайрия	9	000	
760	56600	Эскириш харажатлари	21	958	
770	56700	Сугурта, солиқ ва бошқа харажатлар	23	809	
780		Жами операцион харажатлар (710+720+730+740+750+760+770)	418	455	
800	56800-56802-56838*-56842	8. КРЕДИТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ БЎЛМАГАН КЎРИЛИШИ МУМКИН БЎЛГАН ЗАРАРЛАРНИ БАҲОЛАШ			0
900		9. ФОЙДА СОЛИҒИ ВА БОШҚА ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН СОФ ФОЙДА	2 631	323	
		10. ФОЙДА СОЛИҒИ			
1000	56902	Фойда солиғини баҳолаш	396	058	
1100		11. ТУЗАТИШЛАРГАЧА БЎЛГАН ФОЙДА (900-1000)	2 235	266	
1110	Дт 31206 ёки Кт 31206	Фойдагача бўлган тузатишлар, соф *			0
1200		12. СОФ ФОЙДА (ЗАРАР) (1100+1110)	2 235	266	

Раҳбар имзоси_____ Ҳакимова Н.Т
Бош бухгалтер имзоси_____ Ҳакимов У.Т

Изоҳ:*ягона солиқ тўловини тўлайдиган микрокредит ташкилотлари бўйича бу сатрда ягона солиқ тўлови суммаси кўрсатилади
**жорий йил соф фойдасидан эълон қилинган дивидендлар
***ҳисобот йили давомида

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

"AL BAROT микрокредит ташкилоти" МЧЖ раҳбариятига

Фикр

Биз масъулияти чекланган жамият шаклидаги "AKADEMIK AUDIT" аудиторлик ташкилоти (Ўзб.Рес.Адлия вазирлиги томонидан берилган 04.06.2004 йилдаги реестр рақами 986-сон гувоҳнома. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 01.06.2021 йилда № 001-рақам билан аудиторлик ташкилотлари реестрига киритилган) директо-аудитори Султонов Маруфжон Маликович (Ўз.Рес.Молия вазирлиги томонидан 29.10.2016 йилда берилган "Buxgalterlar va Auditerlar imtihon markazi" томонидан муддати 29.10.2031 йилгача узийтирилган №05426-сонли аудиторнинг малака сертификати) томонидан "AL BAROT микрокредит ташкилоти" масъулияти чекланган жамиятининг 2021 йил 31 декабрь ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи, кўрсатилган санада тутаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботи, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботи, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботи, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар "AL BAROT микрокредит ташкилоти" масъулияти чекланган жамиятининг 2021 йил 31декбрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тутаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимлари ҳаракатини барча муҳим жаҳатларда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

Фикр билдириш учун асослар.

Биз Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу ҳулосанинг "Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги" бўлимида батафсил ёритилган. Биз компаниядан мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг "Профессионал бухгалтерлар учун ахлоқ" Кодекси талабларига ва ахлоқий қоидаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли, ҳамда ушбу талабларга ва Кодексда белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етирли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги.

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тикдим этиш учун, МХХС га мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги таҳминига кўра ҳисобот беришга жавобгар,агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш,фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлишни назорат қилиш учун жавобгардир.

Моливий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги.

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик ҳулосасида акс эттириш. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иктисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Бизнинг аудит ҳулосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади, биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошкор қилинишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ходисаларни ишончли тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.

Биз ушбу аудитнинг асосий масалаларини аудит ҳисоботимизда ёритганмиз, ушбу масалалар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиниши қонун ёки бошқа ҳужжатлар билан таъқиқланган ҳоллар бундан мустасно.

Мустақил аудит ўтказган аудитор:
М.М.Султонов
МЧЖ "AKADEMIK AUDIT"
аудиторлик ташкилоти директори:
М.М.Султонов

15 апрель - Маданият ва санъат ходимлари куни

МАДАНИЯТ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИНИНГ МЕҲНАТЛАРИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

"Наво" тантаналар саройида 15 апрель - Маданият ва санъат ходимлари куни муносабати билан байрам тадбири ташкил этилди. Унга соҳада узоқ йиллар самарали фаолият юритган меҳнат фахрийлари, бугунги кунда фидойилик билан ишлаётган фаоллар таклиф этилди.



Тадбирни очиб берган туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов туманда маданият ва санъат соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва эришилган ютуқлар ҳақида сўзлар экан, бу борада соҳа вакиллари муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлади. Соҳа ходимларини касб байрами билан қутлади. Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда миллий

маданиятни янада ривожлантириш, янги Ўзбекистоннинг янги тарихини яратиш, моддий ва номоддий маданий мерос дурдоналарини асраб-авайлаш ва тарғиб этиш, халқ оғзаки ижодиёти ва ҳаваскорлик санъатини янада оммалаштириш, ёшларни маданият ва санъатга бўлган қизиқишларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда ҳар бир кўнгилга маданият ва санъат сеҳрини олиб кирадиган, халқимизга беминнат хизмат қилиб, кўнгилларга хурсандчилик улашадиган соҳа жонқуярларининг меҳнатлари эътироф этилди. Тадбир давомида бир гуруҳ соҳа ходимлари фидокорона хизматлари учун туман ҳокимлиги томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Хуршидахон ҲАЙДАРОВА.

МАДАНИЯТ ВА САНЪАТ СОҲАСИГА ЭЪТИБОР ЮКСАЛМОҚДА

Юртимизда барча соҳаларда улкан ислохотлар даври кечмоқда. Ислохотлар жараёнида халқимизнинг турмуш даражасини яхшилаш баробарида, бой миллий кадриятлар, урф-одат ва анъаналаримизни ўрганиш, илмий-амалий тадқиқ этиш, моддий ва номоддий маданий меросимизни асраб-авайлаш, келгуси авлодга бус-бутун етказиш ва албатта дунё халқлари орасида кенг тарғиб қилиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт йиллари бошқа соҳаларда бўлгани сингари маданият ва санъат соҳасида ҳам чинакам янгиликлар ва юксалишлар даври бўлди, десак муболаға эмас.



Юртбошимиз томонидан маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш мақсадида муҳим Фармон ва қарорлар имзоланиб, Ҳукумат томонидан зарур ҳужжатлар ижрога йўналтирилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 февралдаги "Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори соҳани янада ривожлантиришга қаратилган фаолиятни амалга оширишда муҳим дастуриламал вазифасини бажармоқда. Қарорда аҳоли, айниқса, олис ҳудудларда истиқомат қиладиган



фуқароларга маданий дам олиш хизматлари кўрсатиш даражасини ошириш, республиканинг барча ҳудудларида театр, цирк ва бошқа турдаги оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларини тизимли равишда йўлга қўйиш, маданият ва санъат соҳасида истеъдодли ёш ижодкорларни излаб топиш ва қўллаб-қувватлаш, таълим муассасаларини миллий чолғулар, мусиқа дарсликлари, ноталар тўпламлари ва ўқув-методик адабиётлар билан таъминлаш белгиланган. Бунинг учун 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид давлат дастури тасдиқланган.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Фарғона вилояти Маданият бошқармаси тасарруфидаги Фурқат тумани 12-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчилари томонидан тумандаги 9-, 10-, 18- ва 37-сонли умумтаълим мактаблари ўқувчиларига ўзбек миллий чолғулари тўғрисида маълумотлар берилиб, санъат соҳасига қизиқиши бор ёшлар саралаб олинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 майдаги "Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги

ОНА ЗАМИН МУҲОФАЗАСИ УЧУН БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ!

Ўтган давр мобайнида ерга бўлган муносабат ёмонлашгани оқибатида ерларнинг мелиоратив ҳолати пасайди. Президентимиз ташаббуслари билан суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда тупроқ унумдорлигини ошириш, моддий ва техник базасини янгилаш, юқори сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш борасида бутунлай янгича ишлаш тизими йўлга қўйилмоқда.

Кўп йиллар давомида экин майдонларининг ҳаддан ташқари кўпайтирилиши, ерга меъёрдан ортиқ минерал ўғитларнинг солиниши натижасида шўрланиш ҳолати кучайиб кетган. Тупроқнинг ифлосланишида минерал ўғитлар ва заҳарли моддалар фаол иштирок этади. Улар узок вақт парчаланмай тупроқни заҳарлайди, микроорганизмларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлади. Шу сабабли олимларимиз қисқа вақт таъсир кўрсатиб, сўнг парчаланиб кетадиган кимёвий ўғитлар яратиш устида изланиш олиб бормоқдалар.

Атроф-муҳитнинг ифлосланиши тупроқнинг табиий ифлосланишига ҳам боғлиқ. Бугунги кунда юртимизда эрозия

жараёнининг олдини олиш мақсадида кўплаб дастурлар ҳаётга татбиқ этиляпти. Ўсимликлар қопламани тиклаш, агротехник тадбирлари тўғри ташкил этиш, яшил ҳимоя қалқонларини бунёд қилиш, гидротехник тадбирларни режали ўтказиш шулар жумласига киради. Бу борада экин майдонлари четларига тол, терак, тут, жийда ва бошқа дарахтлар экилиб, ихотазорлар барпо этилаётгани ҳам айни муддао бўлмоқда. Вилоятимизда экин майдонлари атрофида ихотазорлар, туман ва шаҳарларда яшил ҳудудлар ташкил этиш ишларига замонавий мезонлар бўйича ёндошиш йўлга қўйилган. Бунинг самараси сифатида кейинги йилларда вилоятимизнинг барча ҳудудларида ихотазорлар барпо этиш учун дарахтлар, манзарали ва мева кўчатлар ниҳоллари экилди. Шунингдек, шамол эрозиясининг олдини олиш борасида экин майдонлари четларига тол, терак, тут, жийда ва бошқа дарахтлар экилиб, ихотазорлар барпо этилмоқда.

Иқболжон ЮСУПОВ,
Фурқат тумани Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш инспекцияси бош мутахассиси.

МУЛОҲАЗА УЧУН МАВЗУ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИДА КОРРУПЦИЯГА ЎРИН ЙЎҚ!

Бугунги кунда жамиятни ташвишга солаётган энг глобал муаммолардан бири - коррупция балосидир. Мамлакатимизда ушбу иллатга қарши курашиш масаласига умумдавлат миқёсидаги вазифа сифатида қаралиб, унинг олдини олиш юзасидан изчил ва мунтазам ишлар олиб борилмоқда.

Юртимизда ушбу иллатга қарши кескин курашиш мақсадида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунининг қабул қилиниши, қонун ижросига қаратилган комплекс чора-тадбирлар ушбу иллатнинг жамият тараққиётига таъсирини камайтириш, унинг илдизини қуриштиришга йўналтирилган. Айнан ушбу қонуннинг 3-моддасида коррупцияга шундай тушунча берилган: "Коррупция - шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқедадан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиш".

Бугунги кунда юртимизда коррупцияга қарши курашиш борасида олиб борилаётган ишлар самараси ҳали яққол кўзга ташлангани йўқ. Бу исбот талаб қилинмас ҳақиқат.



Хулоса шуки, бугун замоннинг ўзи ҳар бир фуқарони коррупцияга қарши курашда фаол бўлишга чорламоқда. Негаки, коррупция давлатни емиради, жамиятни инқирозга, шахсни эса маънавий қашшоқликка етаклайди. Коррупцияни енгмай туриб олдимизга қўйган буюк мақсадларга эришиб бўлмайди.

Иқтисодий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўяётган Янги Ўзбекистон учун коррупция-порахўрликнинг ҳар қандай кўриниши давлат ва жамият учун жиноят ҳисобланади. Негаки коррупция, энг аввало, иқтисодга ва маънавиятимизнинг мустақкам илдиизига болта ураётган иллатдир.

Оловиддин ХАСАНОВ,
жиноят ишлари бўйича Бешарик туман суди раиси.

фармонида асосан 15 апрель "Маданият ва санъат ходимлари куни" сифатида белгиланган бўлиб, байрам муносабати билан 12-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактабида тадбир ташкилланди. Унда туман ҳокимининг ўринбосари Алимардон Аъзамов туманимизда фаолият олиб бораётган маданият ва санъат соҳаси вакиллари касб байрамлари муносабати билан муборакбод этди.

Ўзбек маданияти ва санъатига

қаратилаётган бундай эътироф аслида жаннатмакон юртимизни улуғлаш, унинг кадриятларини юксакларга кўтариш, келажак авлодни қадди баланд, ғурурли ва ориятли қилиб ўстириш йўлида амалга оширилаётган ишларнинг буюк намунасидир.

Азаматжон ҚҮЛДОШЕВ,
12-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби директори.

NAVBAHOR

ISSN 2010 8362

НАШР КЎРСАТКИЧИ 7568

ISSN 2010-8362



9 772010 836207

Мухаррир Дурдона ҒОҒҒОРОВА

Нашр учун масъул Алишер СОЛИЕВ

Газета Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигининг Фарғона вилояти бошқармасида 2007 йил 9 январда 12-019 рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳажми: А-3. Даврийлиги: ҳафтада бир марта. Адади : 553 нусха.

Буюртма № _____ Босишга топшириш вақти: 17.00
Топширилган вақти: 17.00

Газетанинг босма сифати учун босмаҳона, обуначиларга ўз вақтида етказиб бериш учун эса Навбахор почта алоқа тармоғи жамоалари масъулдирлар. Баҳоси келишилган нархда.

Газета таҳририят компьютерида терилиб, саҳифаланди ва «Andijon nashriyot-matbaa» МЧЖ босмаҳонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди.

Таҳририят манзили: 151700, Фурқат тумани ҳокимлиги биноси. Телефон: (+99873) 54 92 552. (+998 99) 601 13 16
Босмаҳона манзили: Андижон шаҳри, Навоий кўчаси, 71-уй.